

«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
ITIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



milliy

1995-йил 10-июндан чиқса бошлаган www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz tiklanish



**ХОНИМЛАРНИНГ ИЖАРАГА БЕРИЛГАН
ЕРЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ВАКОЛАТИ
БЕКОР ҚИЛИНМОҚДА 2**

**ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ
УЙҒУНЛИГИ ЙЎЛИДА 4**



**ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ ЯНА
БИР БОР МУТАСАДДИЛАРГА
«ДУНЁ ИМОРАТЛАРИ ИЧИДА
ЭНГ УЛУҒИ МАКТАБ»
ЭКАНИНИ ЭСЛАТИБ ҚЎЙДИ**

Маърифатпарвар бобомиз Маъмурхўжа Беҳбудийнинг «Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир», деган фикри моҳиятини бугун ҳар қачонгидан кўра, чуқурроқ ҳис қиляпмиз.

Зеро, ривожланган давлатлар тарихини варақласак ҳам, энг аввало, таълим тизимига бирламчи эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз.

Шу боис, Янги Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантиришга энг устувор вазифа сифатида қаралаяпти. Бунинг оддий исботини жорий йилнинг ўзида Президент раислигида уч маротаба видеоселектор йиғилиши ўтказилганидан ҳам кўриш мумкин ва уларда ушбу масала ҳаёт-мамонт масаласи экани, соҳада ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқлиги бот-бот такоррлангани бежиз эмас.

Президентимизнинг 2022 йил 14 апрелдаги «Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳам бу борадаги ишларнинг мавсумий эмаслигидан, аксинча, бу масала давлат сиёсатида айлангандан далолат бермоқда.

(Давоми 3-бетда)

**ЗАРЧОПОНДАГИ
БЎЗ ЯМОҚ**

ёхуд «Madina-Muxlis Star» МЧЖ раҳбари Аваз Ҳасанов нега бутун бошли туман ахли норозилигини ярим чақага олмаяпти? 6



5
**МАСЪУЛИЯТ ҲАМ
ҚИССА ОШИШИ КЕРАК,
НАЗОРАТ ЭСА...**

“ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ ВА ИНСОН КАДРИНИ ТУШУНМАГАН РАҲБАРЛАРГА ОРАМИЗДА УРИН ЙУК”



✓ 434 ТА МАҚАЛЛАДА СУҒОРИШ ТИЗИМИ
ВА СУВ ТАЪМИНОТИ ЯҚШИЛАНИБ,
715 ТА МАҚАЛЛАНИНГ СУВ, ЙЎЛ,
ЭЛЕКТР ВА ТАБИИЙ ГАЗ МУАММОСИ
ҚАЛ ҚИЛИНАДИ

✓ ПУТИННИНГ 545 ТА
ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ
ОҒИР МАҚАЛЛАНИНГ
ҲАР 5 ТАСИГА БАНК
ВАКИЛИ ВА “ЛИДЕР”
ТАДБИРКОРЛАР
БИРИКТИРИЛАДИ

3
**ҲАР БИР ТУМАНДА
ФУҚАРОЛИК
СУДЛАРИ БЎЛИШИ
КЕРАК**

Баъзи судлар ойлар, ҳатто йилларга чўзилишини эътиборга олсак, одамлар қўшни туман судларига қатнайвериш, ҳам йўл азобини тортмоқда, ҳам ортиқча харажатга тушмоқда.

7
**ҚУТАЙБА
ИБН МУСЛИМ
ЗИЁРАТГОҲИ ҚАЕРДА
ЖОЙЛАШГАН?**

Ҳар бир мусулмон муқаддас Макка шаҳрига борар экан, ислом дини тарғиботчилари тўғрисида, албатта, маълумотга эга бўлишлари керак...



**ДУНЁДА КОРОНАВИРУС
БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ
ЯНА ЁМОНЛАШМОҚДА**

АҚШда коронавирус билан касалланган фуқаролар сони ортиб бормоқда. Эпидемиологик вазият анча ёмон экани айтилмоқда.

«Euronews» хабар беришича, айрим штатларда инфекциянинг олдини олиш мақсадида чекловлар қайтадан жорий этиляпти. Оқ уй 12 май кунини коронавирус пандемияси бўйича халқаро онлайн саммит бўлиб ўтишини маълум қилди. Мамлакат Федерал округ суди Жо Байден маъмуриятининг самолёт ва бошқа жамоат транспорти шаклларида мажбурий ниқоб кийиш тўғрисидаги кўрсатмасини ноқонуний, деб топди ва бу ҳаракатни тўхтатди.

Хитой ҳукумати эса Шанхайда белгиланган карантин чоралари касалликни олдини олишга ёрдам бергани ҳақида ахборот беряпти. Ушбу шаҳарда март ойида COVID-19 эпидемияси туфайли қаттиқ карантин эълон қилинган эди. Расмий маълумотларга кўра, ушундан бери уч киши вирус оқибатида қурбон бўлган. Сидней бандаргоҳига икки йилдан бери биринчи марта круиз кемалари кирди. 2020 йил мартда «Ruby Princess» кемасининг унлаб сайёҳлари коронавирусдан ҳалок бўлгани боис, круиз кемаларининг Австралия портларига кириши тақиқланган эди.

КУТИНГ!
ЖАНОБ,

ИМКОН БЎЛСА, ПАРТИЯНИ ШАРМАНДА ҚИЛМАСАНГИЗ!

«Масъулиятсиз, партиявий фаолиятни эрмакка айлантирган айрим валломатлар сабаб эзгу ғоя ва мақсадларимиз жойларга етиб, кутилган даражада оммалашмаяпти. Ўрганишлар натижасига кўра...»

Келгуси сонларда

«ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ ВА ИНСОН ҚАДРИНИ ТУШУНМАГАН РАЎБАРЛАРГА ОРАМИЗДА ЎРИН ЙЎҚ»

Бутунлай янги – маҳаллабай ишлаш тизимининг реал натижаларини кўриш учун истаган худудга, ҳатто энг чекка туманга боришнинг ўзи кифоя.

Одамлар ўзлари, оиласи ва кўни-қўшилари мисолида ҳам ўзгаришларни ҳис эта бошладилар. Тўғри, ҳали ушбу тизимнинг охиригача буралмаган «винт»лари бор, аммо ушбу тизим одамларнинг ишончини қозона олди. Қийналган, ҳаётда омади чопмаган, иқтисодиёт ёхуд салоҳияти панд берган, бирон-бир сабаб билан оиласидан, ишидан айрилиб қолган кишилар ҳам Президентимиз ташаббусининг реал ёрдамга айланганини эътироф этмоқдалар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 19 апрель кунги видеоселектор йўғилишида билдирган фикрлари ҳам шундан далolat берапти.

Маълумки, яқинда тадбиркорликни ривожлантириш учун 500 миллион доллар ва 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши белгиланган эди. Бундан ташқари, тадбиркорларни безовта қилаётган солиқ маъмурчилиги, текширувлар, рухсатномалар тартиби ҳам энгиллаштирилди.

Йўғилишда ана шу ишларни қўйи тизимда ташкил этиш, маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга доир чора-тадбирлари яна бир бор муҳокама қилинди.

Қайд этиш жоизки, Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 3 декабрдаги фармонида мувофиқ, ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозимини таъсис этилгани бундан янги тизим бўлиб, уни тўғри йўлга қўйиб олиш жуда муҳим экани бежиз таъкидланмапти.

Шунинг учун ҳам йўғилишда ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг дастлабки натижалари танқидий таҳлил этилди. Қайд этилганидек, ёрдамчилар уч ой давомида 6 миллион 900 минг

хонадонни хатловдан ўтказиб, 4 та тоифага ажратганлар. Хонадонларнинг 11 фоизи кам даромадли, 47 фоизи қўшимча даромадга эҳтиёжи бор, 6 фоизи ижтимоий ҳимояга муҳтож, 36 фоизи эса ўзига тўқ оилалар экани аниқланган. Шунга қараб маҳаллий раҳбарлар фаолияти манзилли ташкил этилиб, минглаб фуқароларнинг ишга жойлашиши, касб-хўнара ўрганишига амалий ёрдам кўрсатилган.

Утган ниҳоятда қисқа давр – уч ойда ҳоким ёрдамчиларининг ташаббуси билан 50 мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун 1 триллион 300 миллиард сўм кредит ва 20 миллиард сўм субсидия ажратилган. Натижада жойларда 47 мингта янги тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилиб, 8 мингта кичик саноат ва сервис лойиҳалари ишга туширилган. Бу чиндан ҳам жуда катта натижадир.

Шунинг учун ҳам йўғилишда Юртбошимиз энг яхши натижа кўрсатган ҳоким ёрдамчиларини мукофотлаш юзасидан кўрсатма берди.

Лекин шу билан бирга ҳали натижа сезилмаётган маҳаллалар ҳам бор. Мисол учун, 450 та маҳаллада ишсизлик даражаси 20 фоиздан юқориликка қолмоқда. Йўғилишда шундай ҳудудлар кўрсатилиб, уларнинг ҳокимлари оғоҳлантирилди. Бир қатор шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, сектор бошлиқлари эса вазифасидан озод қилинди.

– Одамларни рози қилмаган, инсон қадрини тушунмаган раҳбарларга орамызда ўрин йўқ, – деди Шавкат Мирзиёев.

Урганишлар давомида «қоникарсиз» деб баҳоланган маҳаллалардаги ҳолатни яхшилаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди. Бунинг учун бюджет харажатларини оптималлаштириш ҳисобидан 800 миллиард сўм ажратилади.

Энди ҳар бир маҳалла ихтисослашуви бўйича қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

Мисол учун, 2 минг 500 та маҳалла чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка ихтисослашган. Улар қўшимча қўллаб-қувватланиб, омилкор одамларга инкубатор, хонаки товۇқ, асалари уялари етказиб берилса, аҳоли даромади янада ошади.

Умуман, хонадонларда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик йўналишларида 140 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Хунармандчилик, тикувчилик, косибчилик, қандолатчилик каби кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини маҳалланинг ўзидан кенгайтиришга бўлади. Президентимиз шу мақсадда бундай маҳаллаларда микро саноат марказларини ташкил этиш ташаббусини маъқуллади.

Жорий йилда бу мақсадларга 500 миллиард сўм йўналтирилиши, ушбу марказлар 5 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилиниши белгиланди.

Шунингдек, жойларда аниқланган бўш бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш, уларни сотиш ёки ижарага беришдан тушган маблағларни ўша маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга сарфлаш зарурлиги қайд этилди.

Хотин-қизлар ва ногиронлиги бор шахсларни иш билан таъминлашда қўлай йўналиш бу, шубҳасиз, касаначилиқдир. Шу мақсадда бугун Ўзбекистон Президентининг касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қарори имзоланди.

Энди касаначилар билан ишлайдиган тадбиркорларга оилавий тадбиркорлик дастуридан 500 миллиард сўм йўналтирилади. Кредитлар бўйича Тадбиркорлик



жамғармасидан 75 фоизлик кафилик берилди ҳамда 10 фоиздан юқори қисми қўллаб берилди.

Шунингдек, касаначиларга ўзини ўзи банд қилган фуқаролар каби, фақат ижтимоий солиқ тўлаш имконияти яратилди, олис ҳудудда ишлаётган касаначиларнинг эса дастлабки 1 ойлик иш ҳақи давлат томонидан қўллаб берилди.

Вилоят ҳокимларига ушбу имкониятлардан фойдаланиб, эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар ҳам берилди.

Йўғилишда қайд этилганидек, юртимизда 2 минг-

дан зиёд маҳалла хизматлар соҳасига ихтисослашган. Бундай ҳудудларни кўпайтириш мақсадида аҳолиси 20 мингдан ошадиган маҳаллаларда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бу марказлар ҳам 5 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади.

Видеоселектор йўғилишида ҳокимлар, уларнинг ёрдамчилари маҳаллабай ишлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш режалари бўйича ахборот бердилар.

ЎЗА материаллари асосида Одилбек РАҲМОНОВ тайёрлади.

Фракцияда

ҲОКИМЛАРНИНГ ИЖАРАГА БЕРИЛГАН ЕРЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ВАКОЛАТИ БЕКОР ҚИЛИНМОҚДА



«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кечаги йўғилишида дастлаб 2022 йилнинг биринчи чорагида депутатлик сўрвлари ижроси масаласи таҳлил қилинди.

Маълумки, кейинги йилларда депутатлар ушбу институт имкониятларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Фракция аъзоси Нодир Тилаволдиевнинг фикрича, депутат сўрови тегишли мансабдор шахсларга жўнатилса-да, баъзан сўровга ўша мансабдор томонидан эмас, унинг ўринбосарлари ёки қўйи бугун раҳбарлари томонидан жавоб қайтарилмапти.

– Шу боис, депутатлик сўрови таъсирчанлигини ошириш мақсадида унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда, – дейди Н.Тилаволдиев. – Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193- ва 283-моддаларига депутат сўровини кўриб чиқиш, улар юзасидан маълумот тақдим этиш бўйича мансабдор шахсларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини янада оширишга қаратилган қўшимчалар киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсат мажлисларида эса депутат сўрвларини доимий муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Таъкидланганидек, бугун депутат сўровини жўнатишга доир масалалар б та қонун ҳужжати билан тартибга солинад. Лекин қонунчиликда депутат сўровини

шакллантириш, расмийлаштириш, рўйхатга олиш, юбориш, ҳисобини юритиш ҳамда улар ижросини назорат қилиш каби жараёнлар аниқ белгиланмаган. Бу эса мазкур институтдан фойдаланишда айрим муаммоларни юзага келтирапти. Шунингдек, депутатлар томонидан ҳам бу борада камчиликларга йўл қўйилапти.

Мисол учун, қонунчиликда мансабдор шахсларга муайян масала юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан депутат сўрови юбориш белгиланган бўлса-да, амалда аксарият сўрвлар мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича талаб ёки амалий ёрдам бериш шаклида баён этилмоқда. Келиб тушган муносабатларнинг тегишлилиги бўйича давлат органларига юбориш ҳам депутат сўровига айланб кетмоқда. Ҳатто фракциянинг бир неча аъзоси томонидан бир вақтда бир мавзу ва битта вазирликка сўров жўнатиш ҳолати ҳам кузатиляпти.

Шунингдек, айрим депутат сўрвларида аниқ бир масала кўтарилмасдан, идораларнинг ваколат ва вазифаларини ижро этиш даражаси ҳақида маълум-

мот тақдим этиш сўралган. Бу эса мансабдор шахсларнинг сўрвларга «чора кўрилмоқда», «таклиф берилди», «назоратга олинди», «режалаштирилган» каби умумий мазмундаги жавоблар юборилишига сабаб бўлмоқда.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун фракция йўғилишида депутат сўрови бўйича туркум ўқув-семинарлар ташкил этиш, иккинчидан, рўйхатга олинган депутатлик сўрвлари ва уларга келган жавобларнинг ягона базасини электрон тарзда барча депутатлар кўра оладиган тарзда Қонунчилик палатасининг ички тармоғига жойлаштириб бориш зарурлиги таъкидланди. Учинчидан эса агар депутат сўрови ўз манфаати ёки ғайриқонуний равишда фойдаланилган ҳолда чиқарилган бўлса, уни депутатлик одоби қоидаларини бузган деб баҳолаш ҳамда бу масала ни Одоб комиссиясида кўриб чиқиш мақсада мувофиқлиги қайд этилди. Тўртинчидан, сўров ва унга келган жавоблар очиқлик, ошкоралик принципларида келиб чиққан ҳолда ОАВда кенг ёритилиши лозим. Бешинчидан, депутат сўровини ўз вақтида кўриб чиқмаган ёки юзаки жавоб қайтарган ман-

сабдор шахсларнинг ахборотини фракция мажлисларида эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилиши таклиф этилди.

Шунингдек, депутатлар томонидан қонунчиликка киритилиши лозим бўлган қўйидаги таклифлар билдирилди: депутат сўровида кўрсатилган муддатда жавоб йўллашнинг имкони бўлмаганда, муддатни депутатнинг розилиги билан узайтириш, қонунчиликда сўровни кўриб чиқишда депутатнинг бевосита иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, илғор хорижий тажриба асосида юқоридаги таклифлардан келиб чиқиб, депутат сўрови институтини аниқ тартиб-таомилларини белгилаб берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим.

Хўш, бу борада хорижий тажриба қандай? Грузия, Россия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Тожикистонда сўров депутат томонидан мустақил равишда юборилади. Беларусь, Қозоғистон, Молдовада депутат сўрови дастлаб палата мажлисида кўриб чиқилади. Франция, Австрия, Финляндия ва Сербияда эса сўров парламент раҳбарининг рухсати билан юборилади. Бельгияда депутат сўровида шахсий хусу-

сиятдаги ёки юридик маслаҳат талаб қиладиган масалаларни кўтариши мумкин эмаслиги белгиланган.

Йўғилишда «Қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Лойиҳа Ўзбекистон Президентининг «Қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу фармон билан қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очиқ электрон танлов асосида ижарага берилган ерларни тасдиқлаш ваколати бекор қилинмоқда.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
муҳбири

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

ЯНА БИР БОР МУТАСАДДИЛАРГА «ДУНЁ ИМОРАТЛАРИ ИЧИДА ЭНГ УЛУҒИ МАКТАБ» ЭКАНИНИ ЭСЛАТИБ ҚУЙДИ

Ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этишга ягона ёндашувни шакллантириш, бундай мактаблар тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим жараёнига малакали раҳбар ва педагог кадрларни жалб қилиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, таълим ва тарбиялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Фармонга кўра, вазирлик, идора ва ташкилотлар тасарруфида айрим мактабларни Агентлик тизимига ўтказиш белгиланган.

Жумладан, 2022 йил 1 сентябрга 19 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ҳамда 141 та ихтисослаштирилган мактаблар, 2023 йил 1 июнга қадар эса Халқ таълими вазирлиги тасарруфида бўлган ва фаолияти тугатилган Меҳрибонлик уйлари, Болалар шахарчалари негизда 5 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ҳамда 3 та ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади. Шунингдек, 2022-2024 йилларда Агентлик тизимида 25 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар қурилади. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб эса Халқ таълими вазирлиги тизимидаги фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар негизда айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлари мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари иш бошлайди. Шу ўринда ушбу мактабларга қабул параметрлари бир синфда ўқувчиларнинг энг кўп сони 24 нафардан ошмаслиги белгиланганини айтиш жоиз. Қайд этиш лозим, бундан буён Агентлик таълим ва тарбия жараёнларида ватанпарварлик руҳи, миллий гуруҳ ва ифтихор, ўз халқига муҳаббат ва садоқат, Ўзбекистон тарихи, илмий-ижодий ҳамда маънавий-маърифий меросга ҳурмат, ўзликни англаш, меҳнатсеварлик ва масъулиятлилик, қатъият ва шижоатлилик гуялари сингдирилишига алоҳида эътибор қаратади. Ўқувчиларни мамлакатимиз-

да амалга ошириладиган ислохотлар мазмун-моҳияти ва ёшларга яратилаётган шарт-шароитларни чуқур англайдиган, ҳар жиҳатдан рақобатбардош, кенг дунёқараш, мустақил фикр ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахс сифатида тарбиялаш учун таъсирчан педагогик технологиялардан фойдаланиш чораларини кўради. Агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази этиб қайта номланадиган бўлди ва ушбу фармонда Марказнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Марказга мулк шаклидан қатъи назар умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари педагог кадрларнинг билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини баҳолашга рухсат берилди ва талабгорлар учун бу шартнома асосида амалга оширилиб, натижаси бўйича 2 йил муддат давомида амал қилувчи «Илғор ўқитувчи», «Устоз ўқитувчи» ҳамда «Профессионал ўқитувчи» даражали сертификатлар берилди. Халқаро миқёсда тан олинган педагог кадрларига базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 50 фоиздан 100 фоизгача бўлган миқдорда кўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Фармонда 2022 йил 1

сентябрга қадар иқтидорли болалар билан ишлашнинг «Мактаб – Университет – Марказ» яхлит узлуксиз таълим тизими жорий қилиниши белгиланди. Мазкур тизим доирасида Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва таълим дастурлари ўзаро ўзвий боғланган ҳолда ишлаб чиқилади. «Янги Ўзбекистон» университети ва Марказ томонидан Агентлик тизимидаги мактабларда маҳорат дарслари, тўғарақлар ва ёзги мактаблар ташкил этилади. Университет ва Марказнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талабалари Агентлик тизимидаги мактабларнинг таълим жараёнига кенг жалб этилади. Агентлик тизимидаги мактабларда ўқитувчилари ушбу муассасаларга стажировка ўташга жалб қилинади. Агентликка заруратга қараб бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Марказнинг ҳудудий филиалларини очишга ҳам рухсат этилди. Фармонда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Агентлик билан биргаликда ваколатхоналарга бириктирилган ҳудудларда жойлашган Агентлик тизимидаги таълим муассасаларига хорижий илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди. Ўқитувчи ва ўқувчилар эса тажриба алмашиш дастурла-

ри бўйича хорижий таълим муассасаларига юборилади. Нуфузли халқаро олий таълим муассасалари грант дастурлари асосида битирувчиларнинг таълим олишига кўмаклашилади. Ривожланган давлатлар билан таълим ва илм-фанни такомиллаштириш борасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади. Халқаро конференциялар, анжуманлар, фан олимпиадалари, танловлар, ихтисосликка оид кўргазмаларда иштирок этишига кўмаклашилади. Шунингдек, Агентлик тизимидаги таълим муассасалари кутубхоналарини етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига улаш, уларни хорижий адабиётлар билан бойитиб бориш, ўқитувчилар ва ўқувчиларга ушбу кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланиш учун имконият яратиш чоралари кўрилади. Фармонда Агентликнинг марказий аппарати, ҳудудий бўлимлари штат бирликлари белгиланди ва икки ой муддатда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимларига зарур билим, салоҳиятга эга малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар ишга жалб қилиниши лозим. Шу ўринда фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар ҳамда мактаб-интернатлар фаолияти ушбу мактабларда ихтисослаштирилган дастурлар асосида таълим олаётган ўқувчилар ўқишини битирувчи қадар давом эттирилиши

белгиланганини айтиш жоиз. Педагог кадрларга амалда белгиланган кўшимча устима ҳақлар эса ушбу мактаблардаги ихтисослаштирилган синфлар фаолияти тугатилганига қадар сақлаб қолинади. Мактаб-интернатларда ўқувчилар белгиланган тартибда ётоқхона ва озиқ-овқат билан таъминланади. Агентлик икки ой муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Давлат тест маркази билан биргаликда 2024/2025 ўқув йили қабулидан бошлаб Агентлик мактаблари битирувчиларига кимё, биология, физика, математика ва ахборот технологиялари соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёз бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилиши белгиланди. Фармонда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини янада кенгайтиришга доир вазифалар кўламадан билиш мумкинлиги, ушбу тарихий фармон ижроси мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб бераётир.

Нилуфар НУРМАТОВА, халқ депутати
Самарқанд вилоят Кенгаши депутати

Таклиф

ҲАР БИР ТУМАНДА ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИ БЎЛИШИ КЕРАК

Тизимдаги ўзгаришларга қарамай, оддий одамларнинг судларга бўлган ишончи юқори эмас. Бунга энг кўп муносабат бўлаётган фуқаролик бўйича туманлараро суд тизимининг сақланиб қолаётгани ҳам сабаб бўляпти, назаримда.

Чунки икки ёки учта туман суди ягона туманлараро судга бириктирилгани ҳам одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Баъзи судлар ойлар, ҳатто йилларга чўзилишини эътиборга олсак, одамлар кўшни туман судларига қатнайвериш, ҳам йўл азобини тортмоқда, ҳам ортиқча харажатга тушмоқда. Қолаверса, аҳолининг судларга муносабати ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. Тўғри, бу фуқаролик жамиятининг қарор топаётганидан далолат. Аммо кўп ҳолларда судларнинг масалаларнинг «таг-томири»га етмасдан қарор қабул қилиб юборишлари норозиликларга сабаб бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Қайси судья билан гаплашманг, иш кўламининг ортиб бораётганидан нолийди. Масалан, Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлараро фуқаролик судида 8 нафар судья фаолият кўрсатади. Тошкент шаҳрида аҳолиси энг

кўп ҳисобланган туманлардан тушаётган муносабатлар эса борган сари кўпаймоқда. Утган йили Мирзо Улуғбек туманлараро судида 20070 та фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 11276 тани ташкил этганди. Шу йилнинг биринчи чорагида эса 5388 та фуқаролик иши кўриб чиқилган. Тошкент шаҳрида ҳам тушуниш мумкин, лекин Навоий, Бухоро вилоятлари ёки Қорақалпоғистонда одамлар кўшни тумандаги судларга қатнаши учун юз-икки юз километр йўл босиб ўтишлари керак. Хуллас, фуқаролик судларини икки ёки учта туманга эмас, ҳар бир туманда алоҳида ташкил қилиш вақти келди. Бундан ҳам одамлар ортиқча овора бўлмайди, ҳам судьяларнинг иш кўлами камайди. Энг муҳими, бу адолатли қарорлар қабул қилинишига ёрдам беради.



Жаҳонгир ЗИЯЕВ, халқ депутатлари Мирзо Улуғбек туман Кенгаши депутати

Жаҳонда

ХАВОТИРЛАР КУЧАЙМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиби Антониу Гутерришнинг фикрича, Украинада юзага келган инкироз туфайли жами ер юзи аҳолисининг бешдан бир қисми очликка рўбарў келиши кутилмоқда. 17 апрель кунини Seznam Zpravy тармоқ нашрига берган интервьюсида БМТ бош котиби Украинада тобора чуқурлашаётган фожиа ортидаги уруш ривожланаётган дунёга таъсир этаётганини, бунда бир кеча ўн йилликларга чўзилиши мумкинлигини таъкидлади. Украина ва Россия ҳисобига дунёда етиштирилмайдиган доннинг 30 фоизи, маккажўхори ва ўсимлик ёғининг эса бешдан бир қисми тўғри келади. Шунингдек, икки мамлакат энди-энди ривожланаётган 45 мамлакатга жами доннинг учдан бир қисмини импорт қилади, – деди Антониу Гутерриш... Чиндан ҳам Украинада олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар фермерларга етиштирилган ҳосилларини йиғиб-териб олиш имконини бермаяпти. Бу эса БМТ бош котиби айтганидан ташқари маҳаллий аҳолини ҳам оғир турмуш тарзига олиб келиши мумкин. Қандай аталмасин, қандай номланмасин ҳар қандай уруш ҳеч қачон, ҳеч кимга ва ҳеч бир давлатга рўшнолик келтирмаган.

Одилбек РАҲМОНОВ

Ногиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, болалар уйлари ташкил этаётган оилаларга китоблар тўплами тақдим этиш ва «Меҳр кутубхонаси» лойиҳасини амалга оширишга оид вазифаларни изчил бажариш зарур.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:

ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ ЙЎЛИДА

Акмал САИДОВ,
академик

Давлатимиз раҳбарининг «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» номли биринчи фундаментал китоби чоп этилди. Яқин беш йил давомида амалга оширилаётган Тараққиёт стратегиясининг ўтган беш йилда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ этилган Ҳаракатлар стратегиясига ўхшаш жиҳати ҳақида сўз борганда, мазкур стратегия ҳужжат ҳам, албатта, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганидан кейингина қабул қилинганга эътибор қаратиш лозим. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Инсон қадрини барча таъминлашнинг бош мезони сифатида белгилади. «Давлат – инсон учун» деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини бевосита халқимиз билан маслаҳатлашиб, одамларимизнинг фикр ва таклифлари асосида ишлаб чиқдик».

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ – ИҚТИСОДИЁТ, ЖОНИ ВА РУҲИ – МАЪНАВИЯТ

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси еттита устувор йўналишни қамраб олгани, моҳиятига кўра, маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш масаласи ана шу устувор йўналишлардан бири эди белгилангани билан Ҳаракатлар стратегиясидан ажралиб туради. Шу маънода, ушбу тарихий ҳужжатда белгиланган маънавий тараққиётни таъминлаш билан боғлиқ мақсад-вазифалар хусусида сўз юритиш айти мудоаодир.

Тараққиёт стратегиясининг бошқа олтита устувор мақсади:

- + инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
 - + мамлакатимизда адолат ва қонуни устуворлиги таъминлашнинг тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
 - + миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
 - + адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
 - + миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;
 - + мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш – буларнинг барчаси маънавий тараққиёт мезонлари билан чамбарчас боғлиқ.
- «Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз,

тааллуқли ҳисобланади. Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга оширишга доир Давлат дастурида 398 та банд бўлиб, шунинг 29 таси – 257-285-бандлар айнан маънавият соҳасига оид чора-тадбирлардир.

Жорий йил 24-26 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида Президентимиз иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлигига яна бир бор тўхталдилар. Зеро, Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида дунёнинг турли минтақаларидаги савдогар, ишбилармон ва тадбиркорлар эътиборини ўзига тортиб келган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Тараққиёт стратегиясининг 71-мақсади: «Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган «Ҳаракатлар стратегиясидан» тараққиёт стратегияси сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш» деб номланган. Бу мақсад ижроси доирасида жорий йилги Давлат дастурида етти банддан иборат вазифалар кўзда тутилмоқда.

Дастлабки вазифа «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» концепциясини амалга оширишдир. Бунинг учун айти пайтда мазкур концепция ва уни амалга ошириш миллий дастурини ишлаб чиқишга киришилди.

Бинобарин, биз буюқ тарих, буюқ давлат, буюқ маданият яратган, дунё тамадудини ривожига улкан ҳисса қўшган, адолатни қадрлайдиган халқ фарзандларимиз. Моъазий шохидки, IX-XII асрларда минтақамизда юз берган ва Мусулмон Ренессанс деб номланган Биринчи Шарқ Уйғониш даврида ҳам, бутун дунёда Темурийлар даври Ренессанс дея эътироф этилган XIV-XVI асрлардаги Иккинчи Шарқ Уйғониш даврида ҳам жамиятда эътиқод мустаҳкам, маънавият кучли, инсонлар дунёқарашда маънавият устувор, давлатчилик тузумида маънавият ва маърифат етакчи бўлган.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги нодир ижтимоий ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанс буюқ аждоқларимизнинг илм-маърифат ва кучли эътиқод, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик бора-бора эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида янада теран маъно-мазмун касб этмоқда.

Ҳар икки Ренессанс даврида илму ижод билан машғул бўлган буюқ аждоқларимиз ва улғу алломаларимиз ўзларининг юксак маънавияти, собит эътиқоди, ҳавас қилса арзигулик миллий ғурур ва фахр-ифтихор туйғулари, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга йўғрилган ғўзал ва ноёб фазилатлари билан ажралиб турганлар.

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг машҳур «Ўзбекистон» қасидасида эътироф этилганидек:

«Темур тили етмаган жойни Қалам билан олди Алишер». Темурийлар даври Ренессансининг ёрқин намоёндаси бўлмиш давлат арбоби, буюқ аллома, улғу шоир ва мутафаккир аждоқимиз Алишер Навоийнинг олиймақом маънавияти юртимиз асрлар оша

тараққий топиши ҳамда миллатимиз кадр-қиммати олам аро юксалиши борасида буюқ соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг моҳирона давлатчилик фаолияти ва ҳарбий жасоратидан сира кам бўлмаган даражада ўрин тутади.

Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга оширишга доир Давлат дастурида белгиланган вазифалардан яна бири «Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари» шiori остида «Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс» ғоясининг рўёбга чиқарилишини таъминлашдир. Бу жараёнда:

биринчидан, «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» мавзусида плакатлар туркуми, мультимедиа ва бошқа замонавий тарғибот маҳсулотлари яратиш;

иккинчидан, «Ўзбекистон қаҳрамонлари», «Маънавият лугати» китобларининг тақдирини ўтказиш;

учинчидан, «Маънавият фестивали»ни ҳар йили ўтказиб бориш кўзда тутилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Давлатимиз раҳбари томонидан маънавият йўналишидаги долзарб вазифалар, маънавий-маърифий янги Уйғонишнинг илмий-назарий ва методологик асоси яратиб берилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади». Мафкура, аввало, фикр тарбияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбияси, дегандир. Бу қадриятлар эса халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига таянади.

«Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур», дейди Юртбошимиз.

Бинобарин, ана шу сазй-ҳаракатларимиз самараси сифатида юзага чиқадиган маънавий-маърифий Уйғониш биз бунёд этишга киришган Учинчи Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Янада аниқроқ айтганда, Учинчи Ренессанснинг муҳим асосини маънавий-маърифий уйғониш ташкил этади.

КИТОБСЕВАР МИЛЛАТ БЎЛАЛИКИ

Тараққиёт стратегиясидаги 72-мақсад мавзуси: «Аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада ривожлантириш, китобхона кенг оммалаштириш ҳамда «Китобсевар миллат» умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш». Шу мақсадга эришиш учун аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада ривожлантириш ҳамда соҳада ягона бошқарув тизimini жорий этиш ва китобхоналикни кенг оммалаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Бунда, биринчи навбатда, Президент кутубхонасини ташкил этиш ва уни самарали фаолият олиб боришини таъминлаш талаб этилади. Соҳани давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизimini жорий этиш ҳам жуда муҳимдир. Бундан ташқари, Давлат дастурида қайд этилган:

+ ўзбек миллий мумтоз

ва замонавий адабиёти намуналарини жаҳон тилларига сифатли ўгиришга доир таржимонлик мактабларини ривожлантириш;

+ хорижий тилларга таржима қилинган ўзбек ижодкорлари асарларини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш;

+ жаҳон адабиётининг энг саранамуналарини восита ва оригинал тиллардан ўзбек тилига таржима қилиш тизimini кенг қўллаб-қувватлаш;

+ ноширликнинг «print-on-demand» тажрибаси ҳамда ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи вакилларнинг «workfarm» онлайн майдончасини шакллантириш;

+ ногиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, болалар уйлари ташкил этаётган оилаларга китоблар тўплами тақдим этиш ва «Меҳр кутубхонаси» лойиҳасини амалга оширишга оид вазифаларни изчил бажариш зарур.

Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, айти пайтда Ўзбекистонда оммавий кутубхоналар сони 400 тани ташкил этади.

БУЮҚ АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БОЙ ИЛМИЙ МЕРОСINI ЧУҚУР УРГАНАМИЗ ВА КЕНГ ТАРҒИБ ЭТАМИЗ

Тараққиёт стратегиясининг 73-мақсади айти шу мавзу билан боғлиқ муҳим вазифаларни қамраб олган. Бунда, хусусан, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

биринчидан, ИХТ, ИРСИКА, АЙСЕКСО, ЮНЕСКО каби дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда «Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс» шiori остида халқаро конференция, симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш;

иккинчидан, буюқ аждоқларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар асарларини халқчил таржимасини амалга ошириш, улар асосида илмий ва оммабоп рисолалар яратиш;

учинчидан, буюқ аждоқларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, Президент Шавкат Мирзиёев шу йил 10 февраль кун Самарқанд вилоятига ташрифи доирасида буюқ муҳаддис Имом Бухорий қабрини зиёрат қилгани ва мазкур мажмуа қурилишини кўздан кечирганига эътибор қаратиш лозим.

Бинобарин, шу кунларда бу ерда қарийб 10 минг намозхонга мўлжалланган масжид, тўртта минора ва айвонлар барпо этилмоқда.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК – ЖАМИЯТНИНГ ҚУШ ТАЯНЧИ

Бу борада Ҳаракатлар стратегияси доирасида:

биринчидан, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилангани;

иккинчидан, Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси

Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, айти пайтда Ўзбекистонда оммавий кутубхоналар сони 400 тани ташкил этади.

давлат сиёсати концепцияси тасдиқлангани;

учинчидан, 2019 – 2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқлангани ва изчил амалга оширилганини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини қайд этиб, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль – Халқаро дўстлик кўни сифатида кенг нишонланиши, шу боис, мазкур санои Ўзбекистонда «Халқлар дўстлиги кўни» деб белгилашни таклиф этгани юртимизда истиқомат қилувчи кўп миллатли фуқароларимизни бениҳоя қувонтирди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 10 февралдаги Қонунига асосан, мамлакатимизда 30 июль – Халқлар дўстлиги кўни сифатида белгиланган. Ушбу Қонун 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ўзаро ахилликда истиқомат қилаётган Ўзбекистон жамиятида халқлар ва давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилгани билан ҳам жуда муҳимдир.

Маълумки, Президентимиз 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамияти олдига турган долзарб масалаларга тўхталиб, «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш бўйича таклиф билдирган эдилар. 2018 йил 12 декабрда эса БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси 51-йигилишида «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясининг айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқишида ўзига хос рамзий маъно бор, албатта. Бугун миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бинобарин, ана заминимизда динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ўзининг чуқур илдиэларига эга.

Айти пайтда ҳам Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллат ва элат вакиллари тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ти-



«Замин» жамғармаси билан ҳамкорликда заиф эшитувчи 2 мингдан зиёд болалар рақамли эшитиш мослаамалари билан таъминланди.



зимли ислохотлар самаралари халқаро ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик томонидан бежиз эътироф этилмаяпти.

Зеро, Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, бир томондан, Конституция ва қонунларимизга, иккинчи томондан, мамлакатимиз қўшилган халқаро шартномалар, жумладан, БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Уз навбатида, Тараққиёт стратегиясининг худди шу эзгу йўналишдаги 74-мақсадини амалга ошириш учун жорий йилдаги Давлат дастурида бир қанча вазифалар мустақамлаб қўйилган. Бунда, хусусан, турли миллат ёшлари учун қўшимча қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағриқонгликка асосланган миллатлараро муомала маданияти ҳис-туйғусини мустақамлашга урғу берилмоқда.

қўллаб-қувватлаш борасида жуда кўп хайрли ишлар қилинмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, 2021 йил 25 мартда қабул қилинган Президент фармони асосида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернет уйлари яхшилаш чоралари кўрилганини таъкидлаш лозим. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, «Саховат» ва «Мурувват» уйлари, фахрийлар санаторий ва пансионатлари, бошқа қатор тиббий-ижтимоий муассасалар унинг тасарруфига ўтказилгани шундай амалий чоралар сирасига киради.

Шу билан бирга, «Саховат», «Мурувват» уйлари, Республика фахрийлар пансионатининг раҳбар ва шифокорлари иш ҳақи 1,5 баробарга, кичик ва ўрта тиббий ходимлари иш ҳақи 2 баробарга оширилди. Ушбу интернет уйларида яшовчи 9 минг 400 нафар кексалар ва ногирон-

ятларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу йўналишда ривожланган мамлакатларнинг етакчи илмий-маданий муассасалари билан ҳамкорликда махсус тадқиқотлар амалга оширилади, чет тилларда китоб ва альбомлар нашр қилинади.

Тараққиёт стратегиясининг «Маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, маданият муассасалари ва объектларининг моддий-техника базасини яхшилаш» номи 76-мақсади ижроси доирасида:

+ маданият ва санъат соҳаси вакиллари, ижодкорлар, шунингдек, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш;

+ театр санъатини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустақамлаш;

+ миллий маданиятни халқаро даражада оммалаштиришга қаратилган тадбирларни худудларда ўтказишни жорий этиш;

+ ўзбек халқи маданияти ва санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган атоқли ижодкор зиёлилар юбилейларини муносиб нишонлаш, ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ амалий чора-тадбирлар белгилангани ҳам аҳамиятлидир.

Буларнинг барчаси санъатнинг инсон бадий-эстетик дидини юксалтиришга хизмат қиладиган муҳим соҳаларини ривожлантириш кўлами нақадар кенглигини кўрсатиб турибди. Зеро, санъат миллийликка асосланади ва эзгулик, олижаноблик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, маънавий етуклик каби умуминсоний гоёларни тарғиб этади.

Шундай экан, миллий санъатимизнинг ҳар томонлама рақамли таъминини, истеъдодли ёшларимизнинг ўқиб-ўрганиши, ўз ижод намуналарини намойиш этиши учун барчамиз бирдек масъулимиз.

Бугунги кунда дунёда кескин кураш ва рақобат муҳити ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кундан-кун кучаймоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқисс янги имкониятлар билан бирга қўлланмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқараётганига бефарқ қараб бўлмайдими.

Чунки айни шу глобал микроскоп жараёнларида миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Айни чоғда, фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага энгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўللар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устмонлик билан синдирилаётгани ҳам сир эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни вақтда дунёнинг жуда кўп минтақаларида инсоний қадриятлар емирилмоқда. Ҳатто иқтисодий тараққиёти юксалаётган аксарият мамлакатларда ҳам маънавият инқирозга юз тутмоқда.

Айниқса, пандемия шароитида айрим ўлкаларда бетақатлик, тажовузкорлик кайфиятлари кучайиб бораётгани ачинарлидир. Бугун дунёда содир бўлаётган шу каби ташвишли воқеликларнинг барчаси Ўзбекистон Президентини ҳақ эканини, яъни иқтисодий ва маънавий юксалиш уйғунлигини таъминлаш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон ҳаётининг бошқа барча соҳаларидаги ўзгаришлар қаторида ўзбек халқининг юксак маънавиятини, бой миллий маданий, тарихий, маърифий меросини, хусусан, китобат ва хаттотлик, musiқа ва рақс, кино ва театр санъати, меъморлик ва ҳунармандчилик, заргарлик ва қандакорлик, пазандалик ва қандолатпазлик бобидаги маҳоратини дунёга кенг ҳақда изчил тарғиб қилиш тақозо этилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, **билимли одам эътиқодли бўлади. Маънавият вакцинасини ҳар бир миллатнинг ўзи яратади.** Бугунги маънавий қашшоқлик адолатли ҳақиқатдир. Ҳозирги кунда иқтисодий камбағалликни тугатиш чораларини кўряптимиз, лекин маънавий қашшоқликка барҳам бериш борасидаги натижаларимиз билан ҳали мақтана олмаймиз. Шу маънода, иқтисодиёт ва маънавият уйғунлигига эришмоғимиз шарт.

2021 йилнинг I чорагида дунё бозорига ёғ маҳсулотлари нархи йил бошидагига нисбатан 23 фоизга, бугдой 20, шакар 10,4 фоизга қимматлашди. Гушт маҳсулотларидаги ўсиш эса 4,3 фоизни ташкил этди. Умуман, дунё бўйича озиқ-овқат нархлари 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 34 фоизга ошгани айтилмоқда. Минерал ўғитлар ва ёқилғи нархлари ҳам 2 бараварга кўтарилган. Бу эса импорт маҳсулотларига боғлиб қолган мамлакатларда тезкор чора-тадбирлар кўриш заруратини тугдирмоқда.

Албатта, тобора дунёга интеграциялашаётган Ўзбекистонга ҳам юқоридаги ҳолатлар таъсир этмай қолмаяпти. Аммо ҳукуватимиз томонидан ўз вақтида кўрилаётган чоралар сабаб бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлиги сақланиб турибди. Лекин бу хотиржам ўтиришимиз мумкин дегани эмас. Ақсинча, янада кўпроқ маҳсулот етиштириб, аввало, ички бозоримизни тўлдириб, ортганини эса экспорт қилишга ҳаракат қилишимиз лозим. Шу боис, бу йил 7 миллион 700 минг тонна бугдой, 23 миллион тонна мева-сабзавот етиштириб, 1,5 млрд доллар экспортни таъминлаш мақсад қилинган.

Президентимизнинг айна масалаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида бободехқонларимиз баҳорнинг ҳар бир кунидан, ҳар бир соатидан унумли фойдаланишлари лозимлиги бежиз таъкидланмади.

Шунингдек, йиғилишда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш учун янги қўшилаётган 300 минг гектардан зиёд ер майдонидан

ҳам самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Маълумки, 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, улар 254 минг нафар фуқарога очик танлов асосида берилди. Бу озиқ овқат етиштириш учун ҳар бир туманда қўшимча 500 гектар экин майдони деганидир. Шунингдек, сув омборлари атрофида 100 минг гектардан ортиқер бор. Бу майдонларга ирригация тармоқлари тортилиб, ерға мос келадиган экинлар экиш чоралари белгиланди.

Қайд этиш жоизки, аҳоли ихтиёридаги 380 минг гектар томорқада зарур мева-сабзавотлар етиштирилса, ҳам рўзгорга барака, ҳам умумий бозоримизга қўшимча маҳсулот қиради.

Сир эмаски, Марказий Осиё минтақаси учун энг катта муаммолардан бири бу сув таъминоти дир. Йиғилишда ушбу масала ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, Сув ҳўжалиги вазирлигига ҳар бир маҳалла кесимида канал ва ариқларни тозалаш, сув таъминоти оғир жойларда қудуқ қазиш ва насос ўрнатиб, аҳоли томорқаларига сув етказиб бериш вазифаси қўйилди. Бу ишлар учун республика бюджетидан 50 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан яна 50 миллиард сўмдан йўналтирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари аграр тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам тўхталиб, 2022 йил учун тижорат банкларига 2 триллион сўм имтиёзли кредит ресурслари берилганини қайд этди. Лекин бугунги кунгача тижорат банкларига киритилган 790 миллиард сўмлик талабномадан атиги 53 фоизи, айрим худудларда эса 25-30 фоизи молиялаштирилган, холос. Тижорат банкларининг бу борадаги фаолияти танқид қилиниб, қўшимча кўрсатмалар берилди.

Жумладан, хизматлар соҳаси учун тижорат банклари орқали тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача кредитлар ажратилиши белгиланди. Шу билан бирга, худудлардаги кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш учун 300 миллион доллар ресурс берилди. Бунда кредит ставкаси 14 фоиздан ошмаслиги белгиланди. Шунингдек, 2022 йил 1 июндан тадбиркорлар учун солиқ маъмуричилиги ва текширишлар тизимини соддалаштириш вазифаси қўйилди.

– Бугун тадбиркорлик учун жуда катта кредит маблағлари – қўшимча 500 миллион доллар ажратилмоқда. Нима учун? Чунки қанчалик қийин бўлмасин, ҳозирги мураккаб вазиятда халқимиз фаровонлигини, давлатимизнинг барқарор ривожланишини ўйлашимиз шарт. Ажратиладиган ҳар бир доллар, ҳар бир сўм – бюджетдани, банкданми – бу ҳаммаси халқнинг пули, – деди Давлатимиз раҳбари.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда масъулият ўн ҳисса ортиши шарт. Бу жараёнда эса биз – барча даражадаги депутатлар худудларда ушбу масала моҳиятини тушунтиришимиз, энг асосийси, Давлатимизнинг раҳбари томонидан берилган топширик ва вазифалар ижросини қатъий назоратга олишимиз керак.

Зафар АБДИРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси

“Давлат раҳбари томонидан Халқ таълими вазирлигига «Замин» жамғармаси билан бирга 2 минг 600 дан зиёд заиф эшитувчи болани тиббий текширувдан ўтказиб, уларни эшитиш мосламалари билан таъминлаш, эшитиш қобилияти тикланган болаларни босқичма-босқич умумтаълим мактабларида ўқитишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилгани эса бу йўналишдаги ишларнинг изчиллигидан далолат беради.

Бу борада, шубҳасиз, хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини тақомиллаштириш ҳам ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

«ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ – ФАҚАТ ЯХШИЛИКДИР»

Янги Ўзбекистон — бу давлат фаолияти, аввало, халқ тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга, жамиятда адолат гоёлари ва тамойилларининг тантана қилишига қаратилган мамлакатдир.

Дунёда давом этаётган коронавирус пандемияси Президентимизнинг:

+ мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини чуқур ислоҳ қилиш;

+ аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларни дунёда етакчи ўринга олиб чиқиш;

+ мамлакатимизда замонавий жиҳозлар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланган юқори технологик ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш;

+ тиббиёт муассасаларининг илмий, услубий ва таълим бериш салоҳиятини ривожлантириш;

+ соғлиқни сақлаш тизимида замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика воситалари ва усулларидан кенг фойдаланиш;

+ жамиятда соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятини юксалтириш бўйича ишлари ва ташаббуслари қанчалик ўз вақтида амалга оширилгани ҳамда ҳаётий эканини кўрсатиши.

Ўзбекистон Президенти 2022 йил 8 апрель кунини Тошкент шаҳридаги 102-заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатда юртимиздаги шундай ижтимоий муассасалардаги шароитларни яхшилаш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишини **Қуръони каримнинг «Раҳмон» сурасидаги «Яхшиликнинг мукофоти – фақат яхшиликдир»** оятини зикр этиш билан бошлагани бежиз эмас. Зеро, кексаларга ҳурмат, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Пандемия даврида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати кенг тарқалиб, элимиз эҳтиёжмандларга бегараз ёрдам бергани, қийинчилиги ва синовларни баҳамжиҳат энгиб ўтгани бунинг ёрқин мисоли бўлди. Айни чоғда давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши – инсон қадрини улуғлаш, меҳр ва ёрдамга муҳтож аҳолини

лиги бўлган шахслар ҳамда 18 минг нафар ёлғиз фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Қолаверса, «Замин» жамғармаси билан ҳамкорликда заиф эшитувчи 2 мингдан зиёд болалар рақамли эшитиш мосламалари билан таъминланди. Шунингдек, 11 та ихтисослашган мактаб-интернат ёрдамчи товуш-нутқ воситалари билан жиҳозланди. Ногиронлиги бўлган 900 нафар болага протез-ортопедия мосламалари, 1 минг 100 нафар шахсга пультли аравачалар етказиб берилганини ҳам қайд этиш жоиз.

Давлат раҳбари томонидан Халқ таълими вазирлигига «Замин» жамғармаси билан бирга 2 минг 600 дан зиёд заиф эшитувчи болани тиббий текширувдан ўтказиб, уларни эшитиш мосламалари билан таъминлаш, эшитиш қобилияти тикланган болаларни босқичма-босқич умумтаълим мактабларида ўқитишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилгани эса бу йўналишдаги ишларнинг изчиллигидан далолат беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДҚОРЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ДИДИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Тараққиёт стратегиясининг 75-мақсади: «Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадий-эстетик дидини юксалтириш» деб номланган. Унда айни мақсадга эришишни таъминлайдиган бир қанча амалий чора-тадбирлар назарда тутилган.

Хусусан, атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Аҳмаров таваллудининг 110 йиллиги, Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллигини муносиб нишонлаш мисолида уларнинг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда хотираларини абадийлаштириш ҳақида сўз бормоқда. Бунда, улар яшаган ва ижод қилган уйларида ёдгорлик лавҳалари ўрнатилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қолаверса, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилади. Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизими ҳам тубдан такомиллаштирилади.


Бу жараёнда дунё ҳамжамиятига «Саҳродаги Лувр» номи билан танилган Савицкий музейининг маданий, маърифий имкони-

Кутинг!



2022 йилнинг январь ҳолатига Конимех туманида 15 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 30 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиб, нодавлат мактабгача ташкилотлари сони 10 бароварга оширилди ва қамров даражаси 28 февраль ҳолатига 85 фоизни ташкил этди.

ЗАРЧОПОНДАГИ



БЎЗ ЯМОҚ

ёхуд «Madina-Muxlis Star» МЧЖ раҳбари Аваз Ҳасанов нега бутун бошли туман аҳли норозилигини ярим чақага олмаяпти?

– «Сизку бу муаммони газетага ёзиб чиқарсиз, аюханнос солиб унинг айбдорларини кўрсатиб ҳам берарсиз. Бироқ бундан бирор натижа чиқармикан... Чунки бу борада вилоят раҳбарига ҳам муурожаат қилганмиз. Ўз навбатида, Ғофуржон Ғаниевич ҳам бу масала ечими бўйича кўп ва хўп ҳаракат қилди, қилапти ҳам. Аммо ҳалигача натижа йўқ. Тўғриси, бу фирма раҳбари жуда баланд охурдан сув ичади шекилли, у туманимизга қадам ранжида қилса ҳамроҳлик қилувчи Республика Марказий банки масъуллари ҳам унинг қовоқ тумшугига қараб туришади, ёлғондан кўл узатса ростдан чой узатишади. Бизларнинг-ку саломимизга алик ҳам олишмайди».

– Оқолтин тумани ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Абдурасул Баротбоев билан суҳбатимиз шу тариқа якун топди.

Мақолани дабдурустан бошлаб юборганлигимиз учун мухтарам укувчидан узр сўраган ҳолда тафсилотларга ўтаск.

Оқолтин тумани Сирдарё вилоятининг энг илғор туманларидан бири. Айни кунда туманда 52 минг аҳоли, 20 га яқин миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшашапти. Бироқ бир муаммо қарийб 4 йилдан буён туманнинг катта-кичик раҳбари-ю аҳолисини қийнагандан қийнаб келаёттир.

Ҳап шундаки, 2018 йилнинг февраль ойида «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 11-Оқолтин сайлов округидан вилоят кенгашига сайланган депутат Норбобо Соатов вилоят ҳокими номига депутатлик сўрови киритди. Унда Оқолтин тумани Сардоба шаҳарчаси «Янги давр» МФЙ худудидаги солиқ маданият ва истироҳат боғини қайтадан тиклаш, унинг фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш, хуллас, қаровсиз худудни обод масканга айлантириш лозимлиги баён этилганди. Ўз навбатида, вилоят раҳбари бу сўровномани ташаббус ўрнида қабул қилиб, уни жуда илқ қаршилади ва солиқ истироҳат боғи худудига бориб, мавжуд аҳолини ўрганди. Масъулларга зарур топшириқлар берди.

Шундан кейин туман марказига давлат белгисига пойтахт рақам туширилган қимматбаҳо хориж автомашиналари серқатнов бўлиб қолди. Кўп ўтмай оғирдан-оғир қурилиш техникалари ҳам марказдаги солиқ маданият ва истироҳат боғи томон йўл олди. Роппа-роса 6 гектар майдонни эгаллаган, бир вақтлар туман аҳолисининг масрур-шодумон кунларига шерик бўлган, охириги 25 йилда эса чакалакзорга айланган солиқ боғ тўсатдан рўй берган бундай ўзгаришлардан бир сесканиб олгани бор гап. Ушанда оқолтинликларни юраги қувончдан ҳаприқиб, бу эзгу ишнинг бошида турган вилоят раҳбари-ю «Миллий тикланиш»чиларни роса дуо қилишди. Нега ҳам қувонимасин, ахир туманда бирон-бир байрам тадбири ўтказилмаган бўлса, катта-кичик раҳбардан тортиб, мавжуд 16 та МФЙ аҳлигача уни қаерда ўтказишни билмай эсанкираб қолишарди. Ноиложликдан яна туман марказидаги яёдоқ спорт ўйингоҳига кўз тикишарди. Ундаги аҳвол эса...

Энди эса барча катта-кичик тадбирлар туман маданият ва истироҳат боғида зўр тантана билан ўтказилади. Қолаверса, ҳамма ота-оналар ҳам ишдан бўш вақтларида болаларини 35 километр йўл босиб, вилоят марказидаги истироҳат боғига олиб боролмайди. Агар тумандаги боғ қайта ишга тушса, болажонлар роса яйрарди-да! Ўзингда бўлганига нима етсин! Ахир бу маскан 1965-1990-йиллар оралиғида гуриллаб ишлаган-ку. Хуллас, туман аҳли ўзида йўқ шод эди...

Бу орада хароба боғни гум-бурлатиб бузаётган, чакалак-

зор ўрнида Боғи Эрам яратман, дея энг шимарган валломатнинг номи ҳам очикланди. Маълум бўлишича, бош офиси Тошкент шаҳри Учтепа тумани Зафарий кўчаси 10-уйда жойлашган «Madina-Muxlis Star» МЧЖ бу хайрли ишга бош-қош бўлаётган экан.

Бунёдкорлик ишларига жами 992 минг АҚШ доллари ажратилган бўлиб, 583 минг АҚШ доллари МЧЖ ҳисобидан, 409 минг АҚШ доллари эса Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳисобидан молиялаштирилганлиги маълум қилинди. Қисқаси, боғ буткул тозаланди. Хитой Халқ Республикасининг «Henan Yamao Import & Export Trading Co., Ltd» компаниясидан 15 турдаги атракционлар харид қилинди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, истироҳат боғи МЧЖ томонидан тўлиқ ишга туширилгач, 50 та янги иш ўрни яратилиши, 5 хил турли тўгараклар, 400 китоб жамланмасига эга кутубхона, 1200 метрлик велосипед йўлаклари, спортнинг 3 хил тури бўйича мунтазам шуғулланиш имконини берувчи кичик спорт саройи қурилиши кўзда тутилди, бунёдкорлик ишлари 2019 йилнинг 1 чорагида тўла-тўқис якунланиши лозим эди. Бироқ бундай бўлмади, қурилиш ишлари қутилмаганда тақат-тақ тўхтаб қолди. Хориждан валюта эвазига олиб келинган атракционларнинг бир нечаси чала-чулпа ўрнатилиб, қолганлари очик ҳавода дийдираганича қолаверди.

Туман раҳбарларидан тортиб, оддий фуқарогача боши қотди. Савол битта – нега бундай бўлди? Устига-устак қурувчилар ҳам бир кечада ғойиб бўлишди. Хуллас, ҳамма ишлар ўлда-жўлда қолиб кетди ва бугун ҳам бу ҳолат ўз «даврини» сураяпти.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг вилоят кенгаши раиси Норбобо Соатов депутатлар билан бир-бирида бу саволга жавоб топгандек бўлди...

МЧЖ раҳбарларининг иддао қилишларича, ёпиқ зовурларнинг ишласмаслиги оқибатида ер шўрланиб кетган, шу боис, бу ерда боғ ташкил этиш умуман мумкин эмас. Агар шўр ва зах сувлар қочириб берилса, ишни давом эттирамиз дейишди улар. Соатов оғир муаммога дуч келганини англаб, вилоятдаги мутасаддиларга аҳволни тушунтира бошлади. Қолаверса, бундан хабар топган вилоят раҳбари ҳам бу иш учун зарур бўлаётган 150 миллион сўмни ажратилишида амалий кўмак берди. Натижада иддао қилинган муаммо тўлиқ барҳам топди, 300 метр очик ва 1,3 км. ёпиқ зовурлар тозаланиб зах сувлар қочирилди. Шу ўринда туман ҳокимлиги масъуллари ҳам «Миллий тикланиш»чиларга ҳар томонлама хайрихоҳ бўлиб, зарур ёрдамларини аямаганликларини эътироф этиш жоиз.

Қолаверса, партиянинг вилоят кенгаши депутати, Сирдарё гидрогеология мелио-

ратив экспедицияси зовурлар бўлими бошлиғи Бердимурод Алимқулов зовурларни таъмирлаш жараёнида боғ худудига кўрпа-тўшагини келтириб, шу ерда ётиб ишлади.

...Муаммо барҳам топди, қурилиш ободонлаштириш ишлари яна авж олиб кетади, дея раҳбарлар-у аҳоли қурувчилар йўлига ҳарчанд кўз тикишса ҳамки улардан дарак бўлмади. Қайта-қайта кўнгирилган ҳам жавобсиз қолиб кетди. Шу орада қизик воқеа рўй берди. Ўрнатилганлари бузилиб, ўрнатилмаганлари юк машиналарига ортилиб, атракционлар вилоят божхона омборига ташила бошланди.

– 2018 йилда 4 та партияда «Madina-Muxlis Star» МЧЖ томонидан Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган 15 дона атракционлар учун божхона божи тўлиқ миқдорда тўланмаганлиги боис, улар вақтинчалик божхона омборига қўйилди, – дейди биз билан суҳбатда Сирдарё вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Ҳотамов. – Юзага келган қарздорлик МЧЖ томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаганлиги бизни шундай чора кўришга мажбур қилди. Биласизми, белгиланган вақт мобайнида қарздорлик сундирилмаса божхона бу атракционларни кимовши савдосига қўйишга мажбур бўлади. Бироқ қайта-қайта оғохлантиришларга қарамай, МЧЖ раҳбарлари бу ҳақда умуман бош қотиришмаяпти. Қолаверса, МЧЖга ҳукумат томонидан яратиб берилган 3 йиллик имтиёзли давр мобайнида ҳам улар бу ҳақда ўйлаб кўришмади, – деди ўринбосар.

Биз ушбу масалага ойдинлик киритишни сўраб «Madina-Muxlis Star» МЧЖ иш бошқарувчиси Аваз Ҳасановга муурожаат қилдик.

– Ерлар ўта шўр экан, у ерда боғ қилиб бўлмайди. Биз пулимизни бўлар-бўлмас жойларга сарф қилавермаймиз. Қолаверса, Тошкент шаҳрида бир неча кўнгилочар истироҳат боғларимиз бор, уларнинг ташвиши билан бўлиб, Оқолтинга бора олмаямиз. Қисқаси ҳамма айб ерда, – у шундай дея кўл телефони-ни ўчириб қўя қолди. Дилимизда эса қатор саволлар, мулоҳазалар гўжон ўйнаганича қолиб кетди. Ахир ер шўр, зах бўлса давлатнинг 150 миллион сўм маблағи сарфланиб унинг ҳолати яхшиланди-ку. Нега шундан кейин ҳам МЧЖ раҳбарлари бир мартаба бўлсада туманга қелишмади? Қолаверса, чўлда «Боғи Эрам яратман», дея кўкрагига мушлаган бу шоввозлар кўриқ Сирдарёнинг ерлари анчайин шўрхок эканлигини билишмасмиди?! Энг асосийси, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган 409 минг АҚШ долларини кейинги тақдирини нима бўлди ва бўлади?! Бундан ҳам ёмони 52 минг нафар оқолтинликнинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдириб, аниқроғи, уларни алдаш МЧЖ раҳбарлигига нима учун керак бўлиб қолди? Ёки бу ерда биз билган ва билмаган сирли ўйинлар борми? Хуллас, М-34 Халқаро автомагистралининг шундоққина бўйида жойлашган Оқолтин туманининг Сардоба шаҳарчасига йўлингиз тушса, қурилиш ўлда-жўлда қолиб кетган солиқ маданият ва истироҳат боғини ҳам бир «зиёрат» қилиб қўйинг, ана шунда қуйиб-пишиб ушбуни бежизга қораламаганимизга ишонч ҳосил қиласиз. Бироқ бу гапни Халқаро автомагистралдан кунда-кунора ўтиб қайтгучи хорижий сайёҳларга айта олмаймиз. Ўзбеконани андиша, уят ҳисси бунга йўл бермайди. Зотан, кун сайин кўркамлашиб бораёт-

ган ушбу тумандаги юқорида тасвирланган ҳолат баайни зар чопондаги бўз ямоққа ўхшаб кетади. Яна бир гап. Муаммони ўрганад чоғимизда партиянинг вилоят кенгаши депутати Н.Соатов ажабтовур мулоҳазани ўртага ташлади:

– Барчамиз яхши биламиз, олдинги вақтларда республикадаги ҳамма кўнгилочар, маданият ва истироҳат боғлари Маданият вазирилик тасарруфиди бўлиб, бу масканларнинг тўлақонли фаолият юртиши учун вазириликнинг жойлардаги бошқарма-ю бўлимлари масъул саналарди. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги 1-сонли Мажлис баённомасининг 88-бандига биноан жойлардаги маданият ва истироҳат боғлари вазирилик тасарруфидан чиқарилиб, маҳаллий ҳокимликлар билан балансга ўтказилди. Ҳокимликлар ҳам бу «ғалва»дан тезроқ қутилиш учун истироҳат боғларини тадбиркорларга бериб юборди. Аниқроғи, бу масканлар аукционлар орқали сотилди. Натижада уларнинг фаолиятини назорат қиладиган бирор масъул ташкилот қолмади, ҳисоб. Фақат солиқчиларгина пул тушуми бўйича бу ерларга онда-сонда келиб турадиган бўлишди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фақатгина пул тушими учун қайғуриладиган жойда маънавият, маърифат, маданият каби масалаларда сўз юритилиши, бош қотирилиши мумкинми? Фикримча, бу каби даргоҳларнинг фаолиятини тубдан назорат қилиш, керакли йўл-йўриқни курсатиш, амалий кўмак бериш ваколатини Маданият вазирилик ўз зиммасига олмоғи лозим. Зеро, «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган мақол бежизга айтилмаган!

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
журналист

Кутинг!

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

ИЖАРАГА БЕРИЛГАН
ДАСТХОКЛАР ОСМОНГА
УЧИБ КЕТГАНИ РОСТ...

Нега унда терговчилар бир йилдан бери
532 МИЛЛИОН
сўмлик дастхоқларни «ер»дан қидириб юришибди?
Фарғона шаҳар прокурори Б.Исмоилов иситмаси ошқор қилаётган «касал»ни топа олармикан ёки у ҳам дастхоқларнинг эгаси маълум бўлган, забардаст қоровулларигача бор жойдан сирли равишда йўқолганини иддао қилиб «иш»ни ёпиб юборармикан?

Келгуси сонларда

Кутайба ибн Муслим суриялик бўлиб, у Уммавийларнинг халифаси Абдулмалик ибн Марвон даврида, яъни VII аср охири ва VIII аср бошида Мовароуннахрга ислом динини олиб кирган.



АВЛИЁ ОТАНИНГ СИРИ ЁХУД ҚАНОРБОЙ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ ҚАҲИДА

Қизилқум саҳросининг қоқ марказида жойлашган Учқудуқ тумани ўзининг қадим тарихига эга. Бу ерда саҳрода истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли томонидан «ота» сўзи кўшиб айтиладиган бир қанча зиёратгоҳлар бор. Хусусан, Қанорбой ота, Қилич ота, Ерлар ота, Михота, Қароқота, Бедерота, Қалқонота, Мўминота ва Кўчқор ота каби тасаввуф тариқатига мансуб «ота»лар ўз замонасининг илми, маърифатли пиру комилларидан бўлиб, ўз даврида кишиларнинг онгу шуурига кўтаринкилик бағишлаб, яхшилик, саҳийлик ва маърифат орқали олға интилишига даъват этиб келганлар.

Учқудуқ бағридаги кўркям ва файзли зиёратгоҳларнинг бири сифатида одамлар қалбини нурафшон этиб келатган Қанорбой ота зиёратгоҳи нафақат маҳаллий аҳоли, балки кўшни давлатлар фуқаролари учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ саналади.

Хўш, Қанорбой ота ким ва унинг қадамжоси нега бунчалар тавоф (зиёрат) қилинмоқда?

Айбас ўғли Қанорбой ота тарихий шахс бўлиб, 1836 йили Учқудуқ туманидаги «Аютерен» овулида таваллуд топган. Қозоқларнинг кичик жуз уруғидан бўлган Қанорбой Наврўзбой – Бекпўлат Айбасдан тарқалган. Билимга ташна йигит Қанорбой ўттиз ёшида овулдан чиқиб кетиб, катта қарвонга қўшилади, Бухорога келади. Тахминан, 1866-1876 йилларда Бухородаги «Кўкалдош» мадрасасида таҳсил олади.

Ривоят қилишларича, бир куни Қанорбойнинг устози ўз шогирдларини мадрасага йиғиб, «Лабиҳовуз»дан галвирда сув келтиришларини буюради. Барча шогирдлар устознинг буйруғини бажаришга шошилади, аммо бирортаси ҳам бу ишни эплай

ротни тушунганлиги сабаб, Қанорбойни «ота» деб аташган. Бу бевосита яссавия тариқатига мансуб кишиларга нисбатан қўлланилгани ва уларнинг кўплаб мурид бўлганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлаши мумкин.

Қанорбой Айбас ўғли Бухорода илм-фан ривожланган, алломаларнинг фаолияти гуркираган бир даврда яшаб, ўз даврининг буюк шайхлари, олиму уламоларнинг таълим-тарбиясидан, тасаввуф таълимоти ғояларидан баҳраманд бўлди. Шунингдек, Қанорбой Кўкалдош мадрасасида ўз устози ва пиру муршиди Фахриддин домладан ҳам таҳсил олди.

Тарихдан маълумки, тасаввуф таълимоти ватанимизга ислом дини билан кириб келиб, кишиларни комил инсон бўлиб етиштиришга таянч бўлган таълимотлардан биридир.

Қуйи Зарафшон воҳасида ушбу таълимот кенг ёйилган бўлиб, Мир Саид Баҳром қодирийлик, Мавлоно Ориф Деггароний нақшбандийлик, Қосим Шайх Азизон эса яссавийлик тариқатининг пиру муршидлари эди.

Ривоят қилишларича, Қанорбой ота молу давлат кетидан қувмай, илм истовчи кишилар, бева-бечорая етим-сирларни доимо қўллаб-қувватлаб, уларга ҳаёлар инъом этиб келган.

Қанорбой ота умри бўйи махси, этик ва бош кийим тикиб, эчки-қўйлар терисини ўзи ошлаб махсулот тайёрлаган. Хусусан, жуда маҳкам этиклар тикиб, уларга қўнғироқчалар тақиб тикканлиги сабабли, жуда катта ҳурматга сазовор бўлган.

У доимо «Ёшлик – умрнинг илм оладиган ажойиб вақти, ким уни қадрламаса, бахтли бўлолмайди», «Энг катта бойлик бу – бориға қаноат қилишдир» деб, кишиларни камтарликка, меҳнат, ҳунар ва эзгуликка даъват этиб келган. Ушбу шиор билан Қанорбой ота ўз умрини йўл ёқасида жойлашган кичкинагина чайласида ўтказди, этикдўзлик қилиб қўй-эчки боқди. Мадад

ва маслаҳат сўраб келганларга ҳам руҳан, ҳам маънан ёрдам берди, вақти-вақти билан халтасини елкасига ташлаб халқ ичида юриб, яланг оёқларга пойабзал бериб, йиртилганларини ямаб юрди. У ҳар бир хонадоннинг азиз меҳмони, суҳбатдоши ва мадақкори бўлиб, 1899 йили – 63 ёшида бу оламни тарк этди.

Авлиёнинг ўлими ҳам овулдошлари учун қароматли бир мўъжиза бўлганини таъкидлаш жоиз.

Ривоят қилишларича, Қанорбой ота вафот этган кеча унинг яқин қариндоши Усен туш кўради. Тушида Авлиё ота: «Жанозамни ўқийдиган мулла Бухородан ўзи келади. Сизлар таҳоратларингни олиб, саф бўлиб турсаларинг бас. Мени шу ерга, қулбам ёнига кўминглар» деб, васият қилади.

Усен қарияларни йиғиб тушини айтиб бериб, авлиёни сўнгги сафар маросимини ўзи айтганидек ташкил қилибди. Жанозага сафланган овул аҳли, Бухородан етиб келган Қанорбой отанинг устози, мадраса мудариси Фахриддин домлани кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолибди. Чунки, ўша даврда Бухоро билан овул ораси етти кунлик масофа экан.

Яна бир ривоят: иккинчи жаҳон урушидан сўнг Учқудуқ туманидаги «Узқудуқ» совхоз директорининг ҳайдовчиси Қанорбой ота зиёратгоҳидан кигиз тўшамасини олиб кетади. Зиёратгоҳдан йўлга тушган машина бироз юргандан сўнг, олдидан қоп-қора бир нортая чиқиб, тўппа-тўғри машина томон тикка кела берибди. Ҳайдовчи нортаяни босмай, деб машинани йўл четига олади ва кумга ботиб қолади. Ут олдириб ҳам машина ёнмайди. Бу орада нортая кўздан ғойиб бўлибди. Шунда ҳайдовчининг зиёратгоҳдан олган кийгизи эсига тушиб, нотўғри иш қилганини тушунади ва ортига қайтиб кигизни олган жойига қайтариб қўяди. Қайтиб келиб, машинани ўт

олдирса, машина ҳеч қандай муаммосиз юриб кетибди.

Яна бир ривоят: Хўжа уруғидан бўлган бир оқсоқол Қанорбой отанинг овулига келиб, авлиё ота билан танишиб, суҳбатлашиб, меҳмон бўлиб кетган экан. Орадан бир неча йиллар ўтиб, яна Қанорбой ота билан суҳбатлашаман, деб йўлга чиқибди. У Қанорбой отани дунёдан ўтганини эшитмаган эди.

Узоқ йўл юриб, жуда чарчаган оқсоқол от устига мизгиб кетаётганида «Ассалому алайкум» деган овоз қулоғига эшитилибди. У уйғониб, ён-атрофига қараса, ҳеч ким йўқ эмиш.

Кўзини ишқалаб, калимасини қайтариб атрофига синчковлик билан қараса, йўлдан сал нарироқда ёлғиз тепалик мазор кўринибди. Отидан тушиб, Қуръон тиловат қилиб, «Бу саҳрода бандаликни бажо келтирган бир ўткинчини мазори бўлса керак» деб отига миниб, йўлида давом этади. Узоқ йўл юриб, излаган уйини топмаган Хўжа Қуланқоқ овулига келиб, Майдабек деган бойнинг уйдан қўнми сўрабди. Оқсоқол қараса, унга оиланинг тинчи йўқдек, бир мусибати ёки ташвиши бордек туюлибди. Меҳмон сир бой бермай Қанорбой отанинг уйини топганини айтиб берибди.

Майдабек авлиёнинг «мўъжизавий жаноза»си ҳақида оқсоқолга сўзлаб берибди.

Вазиятни тўлиқ тушунаган Хўжа йўл бўйидаги ёлғиз мазорни эслаб, бироз вақт ўйлаб қолибди.

Шу кеча бойнинг уйида тунаган оқсоқолнинг тушига Қанорбой ота кирибди.

Унга, Майдабек бойнинг балоғат ёшига етган қизи руҳий касал эканини, оила жуда қийналиб кетганини ва ўша йўлда кўрган ёлғиз мазорга қизни олиб боришлари кераклигини билдирибди.

Меҳмон эрталаб уйқудан туриб «Касал фарзандингни Қанорбой авлиёнинг мазорига олиб бориб тунат», деб маслаҳат берганида, бой лол бўлиб қолибди. Чунки

у қизини боғлаб ташлаган, касаллигини ҳеч қимга билдирмай, яширинча даволаб келатган экан. Фарзандини дардига дармон топилай, нима қилишини билмай юрган бой, Хўжани кузатиб, касал қизини туяга миндириб, Қанорбой отага йўл олибди.

Оёқ-қўллари билан дуч келган кишига ташланиб, ер тепиниб чарчаган, анчадан бери уйқу оромини билмаган қиз авлиё отага келгач, уйқуга кетибди ва эртаси куни ҳам уйғонмабди. Уч кун ўтиб тонгда «Ота қўлимни ечинг», дебди. Қизининг илиқ овозидан хурсанд бўлган бой, ундан нима бўлганини сўрабди.

Қиз: «Бир молни овулга бориб, худо йўлига садақа қилайлик», деб айтибди. Эртаси куни қизининг гапи билан бой садақа тарқатибди ва фарзанди буткул соғайиб кетибди.

Қанорбой ота зиёратгоҳи ана шундай ғаройиб сифатларга эга жойдир. Улуғ авлиёнинг номи билан улугланган Қанорбой ота зиёратгоҳи Навоий вилоятидан қарийб 400 км шимоли-ғарбда, Учқудуқ туманининг Бутақора қудуғи атрофида жойлашган. Зиёратгоҳ, авлиёнинг қабри, сағананинг шимолида қизининг қабри, қудуқ ўрнида тиловатхона, масжид биносидан «Қанорбой ота» мўъжаз музейи ва у яшаган чайла қолдиқлари хўжалик биноларидан иборат.

Ота йиллар давомида халқ орасида эзгуликни тарғиб қилган, унга ихлос қилганларни оғирини енгил, мушулини осон қилган, беморлар эса бу ердан ўз дардига дармон топишган. Айниқса, яссавия ғоялари асосида оддий халқни ҳалол меҳнат қилиш ва шу орқали моддий аҳолини яхшилашга чорлаш борасида ташаббуслар кўрсатиб, ўзи қосиблик билан шуғулланиб, уларга ибрат бўлган.

Мусаллам ИБРАГИМОВА,
Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори ўринбосари

Ривоят қилишларича, Қанорбой ота вафот этган кеча унинг яқин қариндоши Усен туш кўради. Тушида Авлиё ота: «Жанозамни ўқийдиган мулла Бухородан ўзи келади. Сизлар таҳоратларингни олиб, саф бўлиб турсаларинг бас. Мени шу ерга, қулбам ёнига кўминглар» деб, васият қилади.

олмайди. Шунда, Қанорбой тегишли дуоларни адашмасдан ўқиб, галвирни сувга тўлдириб, устозига келтириб беради. Ана шу воқеадан кейин мадраса имомлари ва таълим олаётган шогирдлар томонидан Қанорбой «авлиё» дея тан олинган экан.

Аммо чўл худудлари маҳаллий аҳолиси «авлиё» деганда қабристон (мозо-

ҚУТАЙБА ИБН МУСЛИМ ЗИЁРАТГОҲИ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

Жалақудуқ туманининг «Қиличмозор маҳалласида жойлашган «Қутайба ибн Муслим» жоме масжиди юртимиздаги энг муқаддас қадамжолардан саналади.

Тарихий манбаларга кўра, Қутайба ибн Муслим суриялик бўлиб, у Уммавийларнинг халифаси Абдулмалик ибн Марвон даврида, яъни VII аср охири ва VIII аср бошида Мовароуннахрга ислом динини олиб кирган. Ушанда Қутайба Ибн Муслим 25 ёшда эди. Муслмон қаерда авлод қилса энг аввал масжид қуради, дея таъкидланганидек, у киши дастлаб Самарқандда масжид барпо этадилар. Намоз ўқигани келган ёки ислом динини қабул қилганларга икки дирҳамдан пул ҳада этиб, ўғилларини суннат қилдирган кишиларни барча солиқлардан озод этганлар.

Манбаларда қайд этилишича, Қутайба ибн Муслим милодий 715-йили 54 ёшида вафот этган ҳамда Қиличмозорга дафн этилган. Айтишларича, у намоз ўқиб, саждага бош қўйган пайтида қилич билан бошини танасидан жудо этишган. Шу

сабабдан ушбу қадамжол халқ орасида Қиличмозор деб аталади.

Қутайба ибн Муслим мақбараси атрофида кейинчалик унинг номи билан аталувчи жоме масжиди қад ростлаб, 1998 йили Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган, аммо турли йиллар, турли шароитларда масжид қаровсиз қолганини таъкидлаш жоиз. Фақат 2018 йилга келибгина ушбу тарихий маскани қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари бошланган, бироқ кейинчалик номаълум сабабларга кўра, яна тўхтаб қолган.

Маълумотларга қараганда Жалақудуқ туманида 12 та масжид бўлса-да, аксарият аҳоли, хусусан, Жанубий Оламушук шаҳарчаси, Қатортол, Ҳамза ва Капа маҳаллалари аҳолиси Қутайба ибн Муслим масжидини маъқул кўрадилар. Шу боис, жорий йилда Андижон вилояти ҳамда Жалақудуқ туман ҳокимлиги ташаббуси билан қурилиш ишлари яна йўлга қўйилди. Бу жараёнда туман мутасаддилари, саховатпеша инсонлар ҳам беминнат ёрдам бераётганларини айтиш жоиз.

– Ҳар бир муслмон муқаддас Макка шаҳрига борар экан, ислом дини тарғибчилари тўғрисида, албатта, маълумотга эга бўлишлари керак, – дейди 75 ёшли зиёратчи Гулханой ая Исмонова.

– Нафақат Ҳаж сафари олдида, балки ҳар доим Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, ат Термизий, шу қатори Қутайба ибн Муслим каби ислом дини тарғибчиларини ёд этиш, уларни зиёрат қилиш керак. Шу сабаб, қайта қад ростлаётган масжид ва унинг атрофида барпо этилаётган зиёратгоҳдан барчамиз бирдек мамнун бўлялмиш. Салкам бир гектар майдонни қамраб олган мажмуа фойдаланишга топширилгач, хорижлик меҳмонлар, хусусан, араб мамлакатларидан зиёратчилар ташриф буюриши ҳам кутилмоқда. Зеро, Рўзайи Рамазон кунларида бундай қутлуғ ишга қўл урилгани Жалақудуқдаги ўзгаришларнинг бир қисми, холос. Улар ҳақида навбатдаги мақоламизда ҳикоя қиламиз.

Акmalжон ЖУМАБАЕВ





КАБА ОНА ЕРНИНГ ЮРАГИ

Узоқ даврлардан буён баъзи мусулмонлар орасида «Нима учун намоз чоғи Каъбага юзланиш керак ва нима сабабдан Олий Зот Маккани бошқа жойлардан улуғлаб, «харам» – ёпиқ деб атаган», деган саволларга жавоб изланади. Қуръондаги илмий маълумотлар буйича машҳур тадқиқотчи Залула Нажаара бу борада қуйидаги ҳадисларга таянади: «Макка сувдаги кичик ер бўлаги эди ва бутун қуруқлик у ердан тарқалган». Қоҳира университетининг география буйича

профессори, мисрлик мутахассис доктор Хусайн Камолиддин эса ушбу фикрни ривожлантириб, сув устидаги вулкон ҳаракатлари туфайли биринчи қуруқлик ҳозирги Каъба ўрнида пайдо бўлганини, кейинчалик ер ўша жойдан кенгайиб бошлаганини таъкидлайди. Бунгача эса сайёраимиз сув билан тўла қопланган. Узоқ муддатли ўлчовлар ва ҳисоблардан сўнг, Каъба, Макка қуруқлигининг қоқ ўртаси экани ҳам аниқланди. Агар барча қитъалар бирлаштирилса, бунинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Мазкур илмий кашфиёт натижалари 1977 йилнинг ноябрь ойида эълон қилинган эди. Шунингдек, олимлар айнан ўша ернинг ўзида (Араб ярим ороли жойлашган жойда) қадимда Хондвана номли умумий қитъа мавжуд бўлиб, кейинчалик етти бўлакка бўлиниб кетганини аниқлаганлар. Ушбу умумий қитъанинг пайдо бўлиши Палеозой даврига тўғри келади. Лекин тахминан 180 млн. йиллар бурун Мезозойнинг иккинчи ярмига келиб, глобал тектоник ҳаракатлар натижасида

Хондвана материкаси қатор қитъаларга бўлина бошлаган ва бугунги шаклга келган. Хусайн Камолиддин қўшимча қилиб яна шуни ҳам ёзадики, Маккада, яна ҳам тўғрироғи, Каъба худудида Ернинг магнит маркази жойлашган. Қайд этилишича, Ернинг магнит қутблари алмашса ҳам Каъбадаги магнит маркази ўзгармас экан. Буни олим Ернинг турли нуқталаридан Каъбага нисбатан йўналишларни ўлчганидан кейин аниқлади.

В.ШОДИЕВА тайёрлади.



Халима АХМЕДОВА

ВАТАН

Мен ҳеч кимга кўтармадим қўл,
Ва ҳеч кимга етмас зиёним.
Аммо сенинг олдинда тупроқ,
Айб қилгандай титрайди жоним.

Райҳонларга чулғаниб кетган –
Онам ҳиди келади сендан.
Биламанки хокисоргинам,
Сен ҳеч нарса кутмайсан мендан.

Маломатга қолиб бу бошим,
Сенга бағрим бериб ётган чоғ.
Юпатдинг ҳам, тушундинг мени –
Дўсту яқинларимдан кўпроқ

Мен тузилган кунимдан бошлаб,
Талтинганим сен бўлдинг, шон.
Сенинг зарра-зарраларингда –
Ҳақ жамоли бўлди намоён.

Ўзга тупроқ тортмас дилимни,
Жойнамошим ўзинг, чўқдим тиз.
Ахир сендан юрагимгача
Боглаб турар илоҳий илди.

Болам деб ҳўп яйратдинг мени,
Имкон бердинг ўйнаб қулгани
Фақат мени ўлгандан сўнг ҳам –
Кучоғингга олсанг бўлгани

Жуда гўлман,
Жуда бефаҳм,
Ишонаман, ким нима деса.
Ҳатто дарахт бўлишин айтиб,
Алдаб кўяр
Кичкина майса.

Муҳаббатнинг кўчаларида
Минг адашиб алданганим рост.
Юпатаман ўзимни гоҳю:
Алданиш ҳам ошқиларга хос.

Ғанимлардан шикоятим йўқ,
Дўстлар мени алдади ёмон.
Гарчи умид, орзуларимни
Меҳр билан этанман эҳсон...

Ҳаёт эса қистайди ҳамон:
Яхши кун бор олдинда,
Югур...
Кўп алданиб чарчаган кўнглим
Не учундир,
Бўлар беҳузур.

Мен ҳам энди анойи эмас,
Ҳаёт, мени алдама сен ҳам:
Ўша кунга етиб борунча
Ўлмайсан, деб,
Авал ич қасам.

Беғуноҳ парвардигор,
Гуноҳқорман олдинда..
Майсаларга айлансам,
Қоламанми ёдингда?!

Райҳон барги силкиниб,
Юз очса шаббодога,
Шабнамга кўнгул берсам,
Қоламанми бодага?!

Ишқ фаслидан адашиб,
Дил сўраса қалдирғоч.
Қарбало дашти учун
Жоним бўларми хироже?!

Субҳидам кочилларин
Тараса малак ёғду:
Мендан умидин узиб,
Ташлаб кетарми қайғу?

Беғуноҳ Парвардигор,
Гуноҳқорман олдинда
Ҳалимадан воз кечсам
Қоламанми ёдингда...

Ҳаёл кечалари қисмат боғида,
Ёлғизликда адашган манму?
Оллоҳ, қафтларингда бир кунни
Майса бўлиб эгиламанму?

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин!

«Миллий тикланиш» газетаси жамоаси «Оила ва табиат» газетаси Бош муҳаррири Хусниддин Бердиевга рафиқаси Умидахон БЕРДИЕВанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Қуръонда ҳикоятлар ва инсон сирлари

Қуръонда ҳар оятнинг, ҳатто ҳар калима ва ҳарфнинг ҳикмати ва сири бор. Бу ҳикматлар кўпинча бир ҳикоятнинг ичига яширилган. Баъзан ҳикоятлар бошқа воқеликлар муносабати билан ҳам келтирилади: Қуръон услубини яхши билмаганлар буларни такрор деб ҳисоблайдилар.

Пайғамбар ва унинг қавмларига оид ҳикоятлар кўпинча инсондаги сирри-и илоҳий бўлган руҳ билан нафс манфаатларининг тўқнашувини кўрсатади.

Инсон диққат ва инсоф билан суралар ҳикматиға қулоқ берса, ўз ичидаги Фиръавни ва Намрудни танийди, жазолайди. Бошқача айтганда, бу ҳикоятлар билан тарбияланган инсон, албатта, Мусо ва Иброҳим томонда бўлади.

Солиҳ пайғамбарнинг туяси

ҳамма даврда яшайди, ҳар инсон ўз манфаати йўлида виждонини (Солиҳнинг туяси) бўғади.

Қуръони карим китоби.

Қуръонда бир неча марта учраган Солиҳ пайғамбар ҳикояти ичимиздаги Самуд куфрини аниқлаб олиш учундир. Инсон мизожига хос беқарорлик ва ички ўз-ўзи билан олишувлар «Юсуф» сурасида ҳар томонлама тадқиқ этилган. Жаммики тасаввуфнинг суянган тоғи «Юсуф» сураси бўлиб, Ҳазрати Юсуф ҳикоятини барча тафсилотлари билан билсак, ўз мажхул томонларимизни англаб оламиз.

Қуръондаги ҳикматларни қандай тушуншимиз кераклигини кўрсатиш мақсадида бир неча намуна келтиришни истардим.

а) Юсуфнинг туши Ҳақ-Таолонинг илҳомини тамсил этади. Отасининг Юсуфга «тушингни акаларингга

айтма» дейиши «илоҳий сирга нафс эшикларини ёп» деганидир. Лекин Юсуф тушини акаларига айтмаган бўлса ҳам, акалари (нафснинг унта хусусиятини тамсил қиладилар) бу тушни, яъни илҳомни илоҳийни сезиб, Юсуфни ўлдиршни кўнгиллариға тугиб қўйган эдилар. Уни ўлдирмасдан қудуққа ташлаб кетишлари эса нафснинг қўрқоқлик томонини тамсил этади.

б) Зулайҳо жамики нафснинг тамсилчиси. Унинг гўзал инсонга ошиқ бўлиши, лекин буни шахват билан боғлаши нафсга хос хусусиятидир. Зулайҳонинг эри Қифтир мол-дунёға ҳирсни тамсил қилади. Нафс, яъни Зулайҳо, ҳам Қифтирға тегади, дунё севгисига боғланади, ҳам Юсуфга кўнгул кўяди, дунё билан иши йўқ кўнгулға боғланади. Ҳолбуки, Зулайҳо, яъни нафс, дунё

севгисидан узилсагина Юсуф билан қовушади.

в) Юсуфнинг қийматини оқил (Миср султони) илм (шаробчи) орқали англайди, уни ўзига маслаҳатчи қилиб олади.

Юсуфнинг зиндондаги ҳаёти – кўнгилнинг нафс (Зулайҳо) билан олишишга мажбур бўлишидан тузилган. Дунё севгиси, яъни Қифтир ўлгандан кейин бу олишув ниҳоясига етади, нафс (Зулайҳо) кўнгилнинг амриға бўйин этади.

Хуллас, Қуръондаги ҳар бир ҳикоят шу тарз нафислик билан инсон мажхуллиги (мураккаблиги) нинг изоҳини беради.

Турк олими Холуқ Нурбоқийнинг «Қуръони Каримнинг илмий мўъжизалари» китобидан Миразиз Аъзам таржимаси.

Таълим

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИ ТУРКИЯДА



Президент таълим муассасалари агентлиги делегацияси 23 апрель куни «Халқаро тинчлик нони фестивали»да иштирок этиш учун Туркияда бўлиб турибди. Бу ҳақда агентлик матбуот хизмати хабар берди.

Таълим ва маданият соҳаларида давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган фестивалда Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Қирғизистон ва Тожикистон каби дунёнинг ўн мамлакатидан ўқувчилар қатнашмоқда.

«Халқаро тинчлик нони фестивали» Туркияда Миллий суверенитет ва болалар байрами тадбирлари доирасида

12 йилдан бери ўтказилади. Маълум бўлишича, ўн мамлакат суви қўшилиб, нон тайёрланади ва давлат раҳбарларига жўнатилади.

Ташриф доирасида делегациямиз аъзолари Туркиянинг Эсенлер мактабида бўлдилар. Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактаб ўқувчилари 4-синфда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг бир кунлик ҳаёти билан яқиндан танишди. Икки қардош миллат болалари томонидан Ўзбекистон мадҳияси куйланди. Шундан сўнг фестиваль иштирокчилари хунармандчилик марказига ҳам ташриф буюрди.

Ў.А



РОССИЯ ВАТАНПАРВАРЛИКНИ МАКТАБДАН БОШЛАМОҚЧИ

2022 йилнинг 1 сентябридан ҳар бир мактабда ўқув ҳафтаси бошида мамлакат гимни ижро этиладиган бўлди.

«Как-то вот так» сайтида хабар қилинишича, ватанпарварликка даъват этувчи бундай тадбирлар бироз эскирган тажрибадек туюлаётган эди. Аммо Россиянинг айрим худудларидаги ўқув муассасаларида бу масалага анчадан бери катта эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Якутияда 2019 йилдан буён мактаб ўқувчилари Россия гимнини ижро этишмоқда. Сайтнинг ёзишича, вазирликда шимолий республика тажрибаси ҳисобга олинган кўринади. Мана, энди ушбу тажриба бутун мамлакатга ёйилмоқда. Ватанпарварлик эскирмайдиган гоё дейишардику!

Алишер ҚОСИМОВ тайёрлади.

ОБУНА – 2022! «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! **обуна индекси 158**

| | | | | |
|---|--|---|--|--|
| <p>«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТимоий-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ</p> | <p>ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси, Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.</p> | <p>ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> | <p>Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.</p> | <p>Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй</p> |
| <p>Бош муҳаррир: Миродил АБДУРАҲМОНОВ</p> | <p>Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқ қилиши мумкин.</p> | <p>Навбатчи муҳаррирлар: Дониёр ТОШБОВЕВ, Равшан МАХМУДОВ Навбатчи: Вилоятхон ШОДИЕВА Дизайн гуруҳи: Маъмуржон ҚУДРАТОВ, Лазиз МЕЙЛИКОВ, Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ</p> | <p>2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан №0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.</p> | <p>Алади – 10 007. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ Буюртма – 416 Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди 03:30</p> |
| <p>Телефонлар: Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11</p> | <p>Электрон почта: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru</p> | <p>ISSN 2010-7714</p> | <p>123456</p> | |